Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардаги фаол иштироки, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, жамиятимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни қарор топтириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Эл-юрт ҳурмати" ордени билан

Аминов Фармон Мавлянович – "Нуроний" жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси

Валиева Раъно Насимовна – Қизилтепа туманидаги "Валиобод" фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Вапаев Амин – меҳнат фахрийси, Хоразм вилояти

Камалов Каллибек – меҳнат фахрийси, Қорақалпоғистон Республикаси

Нажмиддинов Икромхон – "Нуроний" жамғармасининг Наманган вилояти бўлими раиси

Норов Жалил Халилович – "Нуроний" жамғармасининг Навоий вилояти бўлими раиси

Саидов Акмал Холматович – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси

Соатов Арзикул Чоршанбиевич – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти Кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари

Тоиров Махмуджон – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими раҳбари

Убайдуллаева Рана Ахатовна – Ўзбекистон Республикаси "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори

Халмурадов Рустам Ибрагимович – Самарқанд давлат университети ректори, Самарқанд вилояти

Хашимов Аманджан – "Нуроний" жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими фаоли

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Баратова Гулчехра Темировна – Жарқўрғон туманидаги "Сурхонтекс" қўшма корхонаси цех йигирувчиси, Сурхондарё вилояти

Жумаев Бевит – "Нуроний" жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими фаоли

Жураев Аъзамжон Хайруллаевич – Бағдод тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Фарғона вилояти

Икромов Уткир Ўктамович – "Навоий иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамияти буғ-газ қурилмаси комбинациялашган цикл цехи бошлиғининг ўринбосари, Навоий вилояти

Қурбанов Алим Саиткулович – Сирдарё кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Сирдарё вилояти

Муратов Нуритдин Джаббарович – Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг "Ялпи геологик тасвирлаш, излаш экспедицияси" давлат корхонаси бош муҳандиси

Мухамеджанов Аминджан – Паркент туманидаги "Зуҳра она плюс" хусусий корхонаси иш бошқарувчиси, Тошкент вилояти

Сейтов Ниетбай Узақбаевич – "Қўнғирот сода заводи" унитар корхонасининг компрессия цехи смена бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Хайдаров Улугбек Умматович – "Зарафшон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг "Булунғурдавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси экскаватор машинисти, Самарқанд вилояти

Халиков Мели Турсунович – Наманган шаҳридаги "Наманганмаш" акциядорлик жамияти бош механиги, Наманган вилояти

Хасанов Мадаминжон Хасанович – "Нуроний" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими фаоли

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Бозоров Ўктам Нормаматович – "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компаниясининг "Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси" масъулияти чекланган жамияти геология бўлими бошлиғи, Бухоро вилояти

Иноятов Январь Пулатович – "Нуроний" жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими раиси

Каримов Олим Косимович – Бухоро йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Бухоро вилояти

Каххаров Сайдали Махсудович – "Андижон механика заводи" шўъба корхонасининг пайвандлаш технологияси бўйича етакчи муҳандиси, Андижон вилояти

Реимов Тенелбай Базарбаевич – "Тахиатош иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятининг 1-қозон турбина цехи катта машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Саидов Бахтиёр Пардаевич – "Самарқанд автомобиль заводи" масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш мажмуаси тайёрлов цехи устаси, Самарқанд вилояти

Утамов Жумабой Сапарбаевич – "Экосан" халқаро хайрия жамоат фондининг Хоразм вилояти ҳудудий ташкилоти директори

Халиков Акборжан Марданович – "Навоийазот" акциядорлик жамиятининг аммиак ишлаб чиқариш навбати бошлиғи, Навоий вилояти

Халмирзаев Ботир Каршибаевич – "Жиззах аккумулятор заводи" акциядорлик жамияти бош директорининг янги технологияларни татбиқ этиш бўйича ўринбосари, Жиззах вилояти

Юнусов Алишер Асрорович – "Тошкент иссиқлик электр станцияси" унитар корхонасининг 2-қозон турбина цехи бошлиғи, Тошкент вилояти

"Дўстлик" ордени билан

Абдиев Утбасар Рустамович – "Нуроний" жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими раиси

Алиев Сахибджан – меҳнат фахрийси, Фарғона вилояти

Алимова Хосиятхон Уриновна – Избоскан туманидаги "Иттифоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Ахмеджанов Тулкун – меҳнат фахрийси, Самарқанд вилояти

Ахмедов Абдукарим Абдурахманович – Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси

Бакиров Ралиф Рафисович – "Фарғонаазот" акциядорлик жамиятининг аммиак цехи муҳандис-технологи, Фарғона вилояти

Джалилов Шухрат Илхамович – "Нуроний" жамғармасининг Марказий Кенгаши раиси

Джурабеков Исмаил Хакимович – меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Ермакова Тамара Таировна – Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси бошлиғининг маслаҳатчиси

Жумаев Зайридин Гиёсидинович – "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компаниясининг "Минора қуриш экспедицияси" акциядорлик жамияти минора қурувчиси, Қашқадарё вилояти

Зияев Бабамурад Мурадович – меҳнат фахрийси, Самарқанд вилояти

Иргашев Баки – меҳнат фахрийси, Қашқадарё вилояти

Каланов Рустам Абдухакимович – "Нуроний" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси

Керуенбаев Абдулла Молдабаевич – "Нуроний" жамғармасининг Учқудуқ тумани бўлинмаси раиси

Косов Валерий Митрофанович – "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси "Uzbekistan airways technics" авиакорхонаси директорининг сифат бўйича ўринбосари

Мамадалиева Курбангул Додаевна – Оқолтин туманидаги "Нурафшон орзу бўстони" фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Маткаримов Касимбай – "Туямўйин гидроэлектростанцияси" давлат корхонаси бош муҳандиси, Хоразм вилояти

Мешенов Азамат Самендерович – "Ўзбекгеофизика" акциядорлик жамиятининг "Устюрт геофизика экспедицияси" филиали "Шимолий Ўзбекистон" кон геофизика партияси муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мирзаев Обақул – меҳнат фахрийси, Андижон вилояти

Муталов Омонулла Нигматуллаевич – Чилонзор туманидаги "Чилонзор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Нормурадов Хасан Норбекович – "Нуроний" жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси

Нушаров Норқул Бозарбоевич – "Нуроний" жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими раиси

Орлова Светлана Юрьевна – Учтепа туманидаги "Ватанпарвар иноқ-коммуналчи" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

Останов Раззоқ Маризаевич – "Аму-Бухоро" машина каналидан фойдаланиш вилоятлараро бошқармаси бошлиғи, Бухоро вилояти

Ражабов Эсанбай – Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси

Рафиков Махаммат Мухидинович – меҳнат фахрийси, Бухоро вилояти

Рахимов Абдувахоб – "Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси" ҳорижий корхонаси филиали директори, Самарқанд вилояти

Саманов Бердибай – "Нуроний" жамғармасининг Кегейли тумани бўлинмаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Солиева Махарамой Якубовна – Қўқон шаҳридаги "Индорама Қўқон текстиль" қўшма корхонаси цех иш бошқарувчиси, Фарғона вилояти

Тагаева Гулхумор Эргашевна – Учқўрғон туманидаги "Гулхумор" фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Тўраев Азиз Оппоқович – "Меҳр ва мурувват" жамоат фонди раиси

Тўраев Юсуф Шодиқулович – "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг Шимолий кон бошқармаси сульфат кислотаси ишлаб чиқариш цехи технологик участка бошлиғи, Навоий вилояти

Турдиев Таштемир Тураевич – Республика Маънавият ва маърифат марказининг Денов тумани бўлинмаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Халилов Тахир Атабекович – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи бошлиғи ўринбосари, Тошкент вилояти

Халматов Эркин Иргашевич – Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи

Эргашев Рузи Саманович – меҳнат фахрийси, Сурхондарё вилояти

Якубов Илёс Номозович – "Муборакнефтгаз" масъулияти чекланган жамиятининг бурғилашни ва қудуқлар қурилишини назорат қилиш бўлими етакчи геологи, Қашқадарё вилояти

"Шуҳрат" медали билан (100 ёшдан ошганлар)

Авазова Сарагул – Гурлан тумани, Хоразм вилояти

Адилов Халил – Мирзо Улуғбек тумани, Тошкент шаҳри

Аллиярова Тажигул – Қонликўл тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

Ахмедов Рахим – Ўрта Чирчиқ тумани, Тошкент вилояти

Мирзаев Умар – Қўштепа тумани, Фарғона вилояти

Пардаева Жанат – Зомин тумани, Жиззах вилояти

Рустамова Бувихол – Чироқчи тумани, Қашқадарё вилояти

Туйчиева Байна – Тайлоқ тумани, Самарқанд вилояти

Тухтаева Анор Бобояровна – Сайхунобод тумани, Сирдарё вилояти

Халимова Анзурат – Шофиркон тумани, Бухоро вилояти

Хошимова Ходияхон – Мингбулоқ тумани, Наманган вилояти

Чоршанбиева Қурбонхол – Бойсун тумани, Сурхондарё вилояти

Шукуров Сайфутдин – Конимех тумани, Навоий вилояти

Эшмуратова Хуринса – Избоскан тумани, Андижон вилояти

"Шуҳрат" медали билан

Абдуллаев Бахитлибай Саметович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Чимбой тумани Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич – "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамиятининг "Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти" акциядорлик жамияти бош директори

Абдуллаев Шавкат Ходияевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг "Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти" давлат корхонаси "Гидрогеофизика" лабораторияси мудири

Абдухаликов Тулкин Таштемирович – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг Марказий таъмирлаш-механика заводи қуйиш цехи пўлат эритувчиси, Тошкент вилояти

Азизова Мамурахон Абдуллаевна – Фарғона шаҳридаги "Фарғона Мадинабону-файз" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Фарғона вилояти

Азимбоева Гулнора Насимовна – Тайлоқ туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Самарқанд вилояти

Аллагулов Фарид Фидаилович – "GM Powertrain-Uzbekistan" акциядорлик жамиятининг қуйиш цехи энергетиги, Тошкент вилояти

Аннаев Нарбай Асаматдинович – "Уз-Кор Газ Чемикал" қўшма корхонаси бошқаруви раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Арипов Искандар Абулкосимович – Самарқанд шаҳридаги "Маржона Жавоҳир сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати пайвандчиси, Самарқанд вилояти

Атоев Тўлқин Бафоевич – "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" унитар корхонасининг асосий ишлаб чиқариш цехи технологик қурилма кузатувчиси, Бухоро вилояти

Ахмедов Улуғбек Эргашевич – Жалақудуқ туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Андижон вилояти

Баратов Алишер Каримович – Кармана туманидаги ҳунарманд-темирчи уста, Навоий вилояти

Бозоров Нишонбой Уришович – Жиззах шаҳридаги "Жиззах Пластекс" ҳорижий корхонаси бош муҳандиси, Жиззах вилояти

Буранова Тамара Салиевна – Жиззах шаҳридаги "Евро Азия савдо фаровон сервис" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Жиззах вилояти

Буронов Дўстмурод Камбарович – Қарши шаҳридаги "Манзилобод" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати сантехник-пайвандчиси, Қашқадарё вилояти

Вапаева Рано Салиховна – Республика Маънавият ва маърифат марказининг Урганч тумани бўлинмаси раҳбари, Хоразм вилояти

Гафуров Алишер Бориевич – "Ўзмахсусқурилиш ихтисослашган компанияси" давлат корхонаси директорининг биринчи ўринбосари

Даминов Шухратулла Мамирович – "Сайхунобод агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сирдарё вилояти

Даулетова Гулнара Хожабаевна – Нукус шаҳридаги "Нукус Чимбой гузари иккинчи коммунал" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Джураева Зулайха Расуловна – "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг қишлоқ қурилишини кредитлаш департаменти бошлиғи

Дўсматов Хасан Собирович – Пискент туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Тошкент вилояти

Жарилкасинова Сулу Тангирбергеновна – "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Қонликўл тумани таянч пункти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Жумамуратова Гулмира Хожамуратовна – Қўнғирот туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Қорақалпоғистон Республикаси

Жураев Зафар Тажибаевич – "Дўстлик агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Жиззах вилояти

Жураева Озода Абдурахимовна – Навоий шаҳридаги "Ҳумо зилола" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Навоий вилояти

Зохиров Рамиз Турдимуродович – Қарши шаҳридаги "Хонтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

Каримов Уктам Абдуллаевич – Олтинсой туманидаги маиший техника таъмирлаш устаси, Сурхондарё вилояти

Каршиев Комил Киличбаевич – "Самарқанд автомобиль заводи" масъулияти чекланган жамияти цех бошлиғи, Самарқанд вилояти

Косимов Хотамжон Жомолдинович – Андижон шаҳридаги "Садо Андижон" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати чилангари, Андижон вилояти

Қурбанов Рафик – "Нуроний" жамғармасининг Данғара тумани бўлинмаси раиси, Фарғона вилояти

Қўлдашева Феруза Ўринбоевна – Мирзачўл туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Жиззах вилояти

Мавлянов Алмас Мухтарович – "Шўрўзак-Сирдарё" ирригация тизими бошқармасининг туманлараро каналлар бўлими бошлиғи, Сирдарё вилояти

Магаметова Гулшаира Исламовна – "Ўзбекистон шаҳарсозлик лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институти" давлат унитар корхонасининг меъморчилик-қурилиш бўлими лойиҳалар бош архитектори

Мамаюсупов Гуламжон – "Қувасойцемент" акциядорлик жамиятининг клинкер майдалаш участкаси бошлиғи, Фарғона вилояти

Махмудова Васила Кучкаровна – Қибрай туманидаги "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

Мирзаев Олимжон Номазович – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги "Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази" давлат муассасаси директорининг биринчи ўринбосари

Мовқиев Ҳасан Ҳазраткулович – Қарши шаҳридаги пойабзал таъмирлаш устаси, Қашқадарё вилояти

Мўминов Даврон Мўминович – меҳнат фахрийси, Сирдарё вилояти

Мусияченко Игорь Валерьевич – "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Биллинг Телеком" филиали дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш бўлими муҳандиси

Нориева Шарофат Эргашевна – Шароф Рашидов туманидаги "Холмўминов Зоҳид" боғдорчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Носиров Рофе Зайниевич – Ургут туманидаги "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Ортиков Хасан Ваккасович – Гулистон шаҳридаги "Файз" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати сантехниги, Сирдарё вилояти

Отақулов Садриддин Эшонқулович – Термиз шаҳридаги "Родник" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Сурхондарё вилояти

Очилова Мавлюда Жураевна – Чилонзор туманидаги "Тикув-Зиё-Файз" масъулияти чекланган жамияти тикувчиси, Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

< Давоми.
Бошланиши 4-бетда.

Раджабова Мавлуда Нарзиевна – Самарқанд шаҳридаги "8-Март" масъулияти чекланган жамиятининг тикув цехи бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ражабов Ҳаитбой Мамурович – Қоракўл туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Бухоро вилояти

Райимов Рустам Гайбуллаевич – "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг "1-гидрометаллургия заводи" кон бошқармаси технологик цехи катта устаси, Навоий вилояти

Раимбаев Фархад Раджапович – Урганч шаҳридаги "Малика Сувчи" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати газ пайвандчиси, Хоразм вилояти

Расулов Дилмурод Худайбердиевич – Бувайда туманидаги маиший техника таъмирлаш устаси, Фарғона вилояти

Рахимов Уктам – меҳнат фахрийси, Хоразм вилояти

Рахматов Бахтиёр Ниматович – Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Бухоро илмий-тажриба станцияси директори, Бухоро вилояти

Рахмонов Маманазар Яхшиевич – "Қарши агротехсервис МТП" масъулияти чекланган жамияти бош комбайнчиси, Қашқадарё вилояти

Саидов Нематулло Зиядуллаевич – "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компаниясининг "Сурхон пармалаш ишлари" акциядорлик жамияти пармаловчиси, Сурхондарё вилояти

Саидов Рахмон Шахзодович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бўка тумани Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент вилояти

Туляганов Мавлятджан Махкамович – Олмазор туманидаги "Янги чўлпон коммуналчи" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати чилангар-газ пайвандчиси, Тошкент шаҳри

Тухтаев Абдуахад Усманович – "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамиятининг "3-автобус саройи" масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Умаров Собит Кадирханович – Наманган шаҳридаги "Замондош-Нурчи Гулшан" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати чилангари, Наманган вилояти

Умрзоқов Нодиржон Исломович – Тўрақўрғон туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Наманган вилояти

Хайтбаева Разия Римбаевна – Гурлан туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Хоразм вилояти

Холбаева Саодат Каримжановна – Наманган шаҳридаги "Фурқат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Хунаров Каҳрамон Ҳайдарович – Ангрен шаҳридаги "Нурли Кўктерак" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати электр пайвандчиси, Тошкент вилояти

Хушбоков Шоди – "Нуроний" жамғармасининг Ангор тумани бўлинмаси кексалар қаноти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Чутпулатов Чори Эргашевич – Жарқўрғон туманидаги "Жарқўрғон" фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Шакиров Талибжон Абдулхакович – Андижон шаҳридаги "Ўз-Тонг Хонг Компани" акциядорлик жамияти смена бошлиғи, Андижон вилояти

Эргашев Зокиржон Абдулхамитович – "Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонасининг 257-йўл бўлими юклагич ҳайдовчиси, Наманган вилояти

Эшанкулов Фуркат Мехманкулович – Бухоро шаҳридаги "Ёқубжон" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Бухоро вилояти

Эшматов Якубжон – "Нуроний" жамғармасининг Косонсой тумани бўлинмаси раиси, Наманган вилояти

Юнусова Гулбаҳор Ҳайтимаматовна – Жалақудуқ туманидаги "Нурли йўл" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

Юсупжанов Кудратжон Атаджанович – Гулистон туманидаги "Бахтиёр" фермер хўжалиги механизатори, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 26 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ёшлари халқимизнинг меҳнатсеварлик, билим ва маърифатга интилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, бағрикенглик каби олижаноб фазилатларини ўзида мужассам этиб, Ватан манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган баркамол авлод сифатида жамиятимизда муносиб ўрин эгалламоқда.

Ўзбек халқининг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кираётган, замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаган, азму шижоатли, навқирон ёш авлодимиз тимсолида яққол намоён бўлмоқда.

Юртимизнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт ва бошқа соҳаларида жонбозлик кўрсатиб, мамлакатимиз равнақига, унинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган ватанпарвар ва фидойи ёшларимизнинг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида қуйидагилар давлатимизнинг орден ва медаллари билан мукофотлансин:

"Дўстлик" ордени билан

Баратова Мадина Хасановна – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Бухоро вилояти Кенгаши раиси ўринбосари, "Камалак" болалар ташкилоти раиси

Султонов Сарварбек Тўлқинбек ўғли – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти Кенгаши раиси ўринбосари, "Камалак" болалар ташкилоти раиси

Таджиев Одилжон Патиҳджонович – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва бандликка кўмаклашиш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Тухтаев Хусен Мирзаевич – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Самарқанд давлат университетидаги бошланғич ташкилоти етакчиси

Ходжаев Жамшид Бахтиёрович – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти Кенгаши раиси

Шукуров Элбек Хабибуллаевич – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси

"Шуҳрат" медали билан

Аббасова Мехриноз Носиржон қизи – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Марказий Кенгаши таъсисчилигидаги "Ёш ижодкорлар уюшмаси" нодавлат нотижорат ташкилоти раиси

Абдурайимов Эргаш Арифджанович – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар Кенгаши раиси

Абдурахимов Бегзод Жўрабоевич – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти Арнасой тумани Кенгаши раиси

Авезов Исломбек Илҳамович – Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги маиший хизмат кўрсатиш бўйича хусусий тадбиркор

Азимов Фаррух Каҳрамонович – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Тошкент темир йўл муҳандислари институтидаги бошланғич ташкилоти етакчиси

Алижонов Муроджон Иброгимжон ўғли – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Фарғона вилояти Кенгаши қошидаги "Ёшлар маркази"нинг "Жасорат" клуби етакчи мутахассиси

Ахунов Жамшид Шодиевич – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Кенгаши раиси

Ғайбуллоев Аббос Асатович – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Ғарбгазтаъминот" унитар корхонасидаги бошланғич ташкилоти етакчиси

Жумамуратов Рахат Тлеумуратович – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани Кенгаши раиси

Зикрияев Зокир Мамирович – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Гулистон давлат университетидаги бошланғич ташкилоти етакчиси

Исламов Шерзод Халилович – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар Кенгаши раиси

Исматзода Раббонай Самариддин – Самарқанд шаҳридаги "Раббона-Кўзмунчоқ-Текстиль" оилавий корхонаси раҳбари

Қаюмов Лазизжон Бахтиёрович – Навоий давлат педагогика институти талабаси

Қодиров Бекзод Абдурахмонович – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг Касаба уюшма қўмитаси оммавий-ташкилий ишлар бўйича йўриқчиси

Қурбонов Ибратбек Ғайрат ўғли – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти Хива тумани Кенгаши раиси

Кутфитдинов Исломбек Илҳом ўғли – Наманган шаҳридаги "Имрон текстиль гроуп" хусусий корхонаси директори

Маткаримов Маткарим Сабиржонович – Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги "Давр торт" масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Муродов Умид Абдувалиевич – Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 23-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари

Нематов Лазиз Алишерович – Бухоро муҳандислик-технология институтининг "Электротехника ва ишлаб чиқаришда ахборот-коммуникация технологиялари" факультети декани ўринбосари

Нормуродова Гулнора Икромовна – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти Кенгаши бўлим мудири

Нусратуллаев Абдулҳай Шавкат ўғли – Навоий вилояти Кармана туманидаги "Янги авлод текстиль" масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Паттаев Хожиакбар Шокир ўғли – Наманган ёшлар марказининг ёш журналистлар тўгараги раҳбари

Полвонов Шерзоджон Фазлитдинович – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мудири

Пўлатов Учқунбек Улуғбердиевич – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Кенгаши қошидаги "Ёш тадбиркор" консультатив маркази координатори

Расулов Дониёр Мамазокир ўғли – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "GM O'zbekiston" акциядорлик жамиятидаги бошланғич ташкилоти етакчиси

Раҳматов Элёр Жумабоевич – Тошкент давлат юридик университети Молия, банк ва солиқ ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

Рахмонова Рохат Мехмоновна – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти Муборак тумани Кенгашининг таълим муассасалари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси, "Камалак" болалар ташкилоти раиси

Рустамова Дилрабохон Абдурахимовна – Андижон давлат университети ўқитувчиси

Уткиров Мухриддин Бахриддинович – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти Нишон тумани Кенгашининг таълим муассасалари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси, "Камалак" болалар ташкилоти раиси

Шокиров Ботиржон Шуҳрат ўғли – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Фарғона вилояти Учкўприк тумани Кенгаши раиси

Шразов Анвар Асаматдинович – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши қошидаги "Ёшлар маркази" ташкилий-кадрлар бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 26 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАН ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ва гарови бўлган ўрта синф – мулкдорлар синфини шакллантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, ўзининг самарали меҳнати, билим ва тажрибаси билан республикамизнинг иқтисодий қудратини, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш ишларига катта ҳисса қўшиб келаётган юртимиз тадбиркор ва фермерларининг қуйидаги муносиб вакиллари давлатимизнинг орден ва медаллари билан мукофотлансин:

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Абдуалибеков Хатамбек Махкамбекович – Зангиота туманидаги "Мастер деликатесов" масъулияти чекланган жамияти директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

Валиев Муродхон Муҳаммадович – Термиз туманидаги "Голд драйд фрутс экспорт" масъулияти чекланган жамияти директори, Сурхондарё вилояти

Жамолов Шавқитдин Шамсиевич – Навоий шаҳридаги "Шамс-Навоий" хусусий фирмаси бош директори, Навоий вилояти

Исмоилов Аваз Ҳамитович – Сергели туманидаги "Грин Ворлд" қўшма корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри

Хамраев Ибрахим Шайкулович – Олот туманидаги "Мергантекс" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Бухоро вилояти

"Дўстлик" ордени билан

Абдуллаев Баходир Равшанович – "Артел Инжиниринг" масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари, Тошкент шаҳри

Байкараев Алишер Рузиевич – Китоб туманидаги "Севаз-Андроникс" масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

Добрих Анна Константиновна – Наманган шаҳридаги "Ифтихор кийим саноат" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Исмоилов Фахриддин Турсунович – Олтинкўл туманидаги "Бахт имкон ривож чорваси" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Сайфитдинова Мастурахон – Қува туманидаги "Қува анори" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Эргашов Анвар Абдужамилович – "Юқори Чирчиқ металл инвест" масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси, Тошкент вилояти

Юсупова Рената Анваровна – Юнусобод туманидаги "Торговое оборудование" масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

"Шуҳрат" медали билан

Азизов Немат Ахундадаевич – Наманган туманидаги "Мерримед Фарм" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Наманган вилояти

Алимов Шерзод Гайратович – Олтинсой туманидаги "Жарқўрғон мева-сабзавот экспорт" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Арипов Махамаджон Шавкатович – Қибрай туманидаги "Био-Сут" қўшма корхонаси ижрочи директори, Тошкент вилояти

Ғаниев Акром Тўлқинович – Хўжаобод туманидаги "Нил-гранит" масъулияти чекланган жамияти директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, Андижон вилояти

Зияев Шуҳрат Зиятдинович – Сирдарё туманидаги "Темур Мед Фарм" масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари, Сирдарё вилояти

Исмоилов Абдулхошим Мамасобирович – Андижон туманидаги "Равон тараққиёт орзуси" масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Қосимов Комил Абдуносирович – Зангиота туманидаги "Дентафил плюс" корхонаси директори ўринбосари, Тошкент вилояти

Мансуров Мумин Маннонович – Жиззах шаҳридаги "Даймонд карпет" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Жиззах вилояти

Назаров Муроджон Тахирджанович – "Франчизинг Инвест" масъулияти чекланган жамияти консультанти, Тошкент шаҳри

Ниязов Абдурахмон Абдурахимович – Фарғона шаҳридаги "Сайқал" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

Одилов Бахтиер Ҳамдамович – Самарқанд туманидаги "Темир жиҳоз сервис" масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

Панаев Утемурат Бердимуратович – Нукус шаҳридаги "Титан цемент" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Панжиев Фарҳод Рамазонович – Қарши шаҳридаги "Қарши Лазер" масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори, Қашқадарё вилояти

Узаков Шерзод Шерматович – Нишон туманидаги "Нишон кўзгу" фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Файзиев Вохиджон Исмоилович – Навбаҳор туманидаги "Хетинг Радиаторс" масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

Шарипов Умарбек Куранбаевич – Урганч туманидаги "Тилло домор" хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 26 август

MILLIY TIKLANISH
35 (467) 2017 йил 27 август, якшанба

Муносабат

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ

ИЖОДКОРГА КУЧ БАҒИШЛАЙДИ, МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Отаназар МАТЁҚУБОВ,
мусиқашунос олим, Давлат мукофоти соҳиби:

— Мамлакатимизда ёшларнинг мусиқий диди ва савиясини тобора юксалтириш, мусиқа таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан янги, юқори поғонага кўтариш, ўғил-қизларимизни миллий мусиқий меросимизнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон мумтоз мусиқий меросга бой диёр саналади. Бу заминда нафақат Шарқ, балки жаҳон мусиқий тафаккури тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган Фаробий, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Комил Хоразмий каби алломалар етишиб чиққан. Улар яратган бой ва мўътабар илмий мерос ҳанузгача ўз қадр-қимматини йўқотган эмас. Қадимгилар айтганидек, "Яхши назариёт — энг афзал амалиётдир". Мўътабар илмий мерос эскирмаслигининг асосий сабаби ҳам шунда.

Бу борадаги ижодий изланишларимиз маҳсули — "Мақомот", "Бухоро Шашмақомига яна бир назар", "Хоразм нота ёзувининг тарихи ва тамойиллари", "Ўзбек классик мусиқаси асарлари"да миллий классик мусиқа тарихи, назарий асослари ва замонавий жараёнларга таъсирига оид масалалар тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида давлатимиз раҳбари томонидан фан ва техника, адабиёт ва меъморчилик соҳалари қаторида миллий мусиқа санъатига ҳам берилган эътиборни, миллий мусиқамизга бўлган рағбат ва эҳтиром деб биламан. Бугун миллий санъатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни кўриб, ижод қилишга, янгилик яратишга иштиёқимиз яна-да ортиб бормоқда. Президентимизнинг "Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондини тузиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида санъат аҳли, мусиқа ихлосмандлари томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди. Давлатимиз раҳбари қарори билан уюшма фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланган соҳа фаолиятини янги босқичга кўтаришда, бу борадаги ислоҳотларни замонавий талаблар асосида ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Бу ўз навбатида, соҳа ижодкорларига янада кенг имкониятлар яратиш билан бирга, уларни ўзларининг ижоди, янги асарлари билан миллий маданиятимизни бойитишга муносиб ҳисса қўшишга чорлайди. Янада қувонарлиси, бундай шароит ва рағбат ёш мусиқачилар, санъатшунослар учун кенг имконият демакдир. Тажрибали мусиқашунослларимизнинг соҳага кириб келаётган ёшларга билим ва кўникма бериши, жаҳон мусиқа намоёндалари билан ҳамкорлик қилиши, тажриба алмашиши — давр талабидир.

Кўрсатилаётган улкан эътиборга бадиий жиҳатдан мукаммал, етук мусиқий асарлар яратиш, тадқиқотлар олиб бориш, ўзимизнинг фаол, фидокорона, илғор ташаббусларга бой бўлган тинимсиз меҳнатимиз билан жавоб бериш бурчимиздир.

Шоҳалил ШОЁҚУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Давлат мукофоти соҳиби:

— Халқимизнинг амалий-безак санъати миллий маданиятимизнинг таркибий қисми, нодир қатлами саналади. Фидойи ҳунармандларимиз меҳнати ва саъй-ҳаракатлари билан амалий безак санъатининг қадимий анъаналари бизгача етиб келди ва ёш авлод бугун ундан баҳраманд бўлмоқда. Миллий маданият ривожида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати муҳим ўрин тутади.

Халқимиз азалдан маърифатпарвар, маданият ва санъатга ошно. Бу юртда санъат намоёндалари ҳамиша ардоқда бўлган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 август куни миллий маданиятимизнинг намояндалари билан учрашувдаги самимий дил сўзлари ва, умуман, барча саъй-ҳаракатларида кўҳна ва саховатли заминимизда санъат ва маданиятни ривожлантириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилаётганини ҳис этиш мумкин. Ўша учрашувдан сўнг кўп ўтмай, 16 август куни "Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Президент қарори қабул қилинди. Ёки куни кеча эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида"ги фармони ҳам бунинг ёрқин далилидир. Бундай эътибор албатта, биз ижод аҳлини беҳад қувонтирмоқда, илҳом бағишламоқда.

Мавриди келганда айтиш жоиз, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Парижда амалий санъат кўргазмасида қатнашдик. Хорижлик рассом асарларимизга юқори баҳо бериб, "қайси мамлакатдансиз?", деб сўради. "Ўзбекистонданмиз!", дедик. Алам қилгани, у елка қисиб бундай юртни билмаслигини, лекин ўзига хос санъат мактабига эга эканлигимизни эътироф этган эди. Ўшанда очиғи, жаҳд билан, ҳали санъат асарларимиз билан юртимизни, жонажон Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитамиз, деб ният қилганман. Минг қатла шукур, бугун ана шундай кунларга етиб келдик, ўз кўзимиз билан кўриш шарафига муяссар бўлдик. Мустақиллик шарофати билан игна билан қудуқ қазигандек, қадимий амалий санъат турларини тикладик. Эмал санъати, мисгарлик, кандакорлик санъатининг қадимий турлари ўрганилди. Миниатюра санъатимиз намуналари билан дунёнинг 23 давлатида ўтказилган кўргазмаларда қатнашдик, кенг тарғиб қилдик. "Замонавий Ўзбекистон миниатюраси" китоб-альбомим кўп йиллик изланишларим натижасидир.

Хулоса шуки, кўп давлатларда бўлдим, лекин халқ амалий санъати, қадриятларига бизнинг юртимиздаги сингари эътиборни кўрмадим. Ижод аҳлига қаратилаётган бундай юксак эътибор натижасида тарихимиз, маданиятимиз ва санъатимиз мукаммал тикланади, янада ривож топади, "устоз-шогирд" анъанаси давом этади. Демак, келажак авлодга бой тарихимиз, қадриятларимиз, сара асарларимиз мерос бўлиб қолади.

Очиқ мулоқот

НАВБАТДАГИ САЙЁР ҚАБУЛ

ПИСКЕНТ ТУМАНИДА БЎЛИБ ЎТДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Аҳоли билан мулоқот жараёнида одамларни қийнаётган муаммолар ўрганилди, айрим масалалар жойида ҳал этилди ҳамда вақт талаб этиладиган мурожаатлар назоратга олиниб, тегишли ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Пискент тумани "Митан" маҳалла фуқаролар йиғини Қадрият кўчасида истиқомат қилувчи Сайёра Мирзакалонова:

— Фарзандим тўрт йилдан буён оғир хасталик билан курашиб, уйда таълим олмоқда. Ўғлим Мирзоҳиджоннинг саломатлигини тиклаш, уни ҳам жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш йўлида меҳнат қилмоқдаман. Доимий яшаш учун уй-жойим йўқлиги боис ота-онамнинг уйида вақтинча яшаб туришга мажбурман. Шу боис сайёр қабулда партия вакилларига менга уй-жой масаласида ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилдим.

Партия етакчиси мазкур масала тегишли тартибда ўрганиб чиқилиши, кам таъминланган, уйга муҳтож оилалар учун янги қурилаётган уй-жойдан берилишида амалий ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов ҳамда Пискент туман ҳокими Абдусамад Акромов иштирокидаги очиқ мулоқотда одамлар ўзларини қийнаб келаётган кўплаб саволларга жавоб олди.

— Президентимиз томонидан 2017 йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши замирида барча соҳада демократик тамойиллар устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон шаънини улуғлаш, айниқса, давлат органларининг халқ олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш мақсади мужассам, — деди Сарвар Отамуратов. — Бунда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойилини амалда қарор топтириш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш фаолиятимизнинг асосига айланиши лозим. Айни шу масалаларнинг ечими халқ манфаатини таъминлаш, одамларни ортиқча машаққат чекиб, овора бўлишининг олдини олиш, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратади.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, аввало, инсон манфаатлари, халқ фаровонлиги, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши каби эзгу ният мужассам, — деди Пискент туман ҳокими Абдусамад Акромов. — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган бугунги сайёр қабул ҳам туманимиз аҳолиси, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечими, уларнинг бандлиги ва

саломатлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Учрашувда фуқароларнинг шаръий ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш ҳамда тўй-маросимларни ихчамлаштириш масалалари бўйича мурожаатларига Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг Тошкент вилоят бош имом-хатиби Ҳайрулла Турматов, аёллар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш масаласидаги мурожаатларга Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими катта инспектори, майор Шаҳноза Содиқова жавоб бердилар.

— Ишсизман, пиллачилик билан шуғулланиш ниятим бор, тутзор ташкил этишим учун ер майдони керак, — деди "Муротали" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Рустам Умиров. — Бугунги очиқ мулоқотда икки гектар ер майдони сўраб мурожаат қилдим. Туман ҳокими бу йил бир гектар ер ажратилишини, агар яхши ишласак, келгуси йили яна шунча майдон берилишини ваъда қилди.

— Маҳалламизда болалар майдони йўқ, болаларимиз чанг-тупроқ, нотекис жойларда футбол ўйнайди, — деди Ойбек номли маҳаллада яшовчи фуқаро Фарида Рустамова. — Фарзандларимиз учун болалар майдони қурилишида ёрдам берилишини сўрайман.

Мазкур масала юзасидан партия етакчиси жавоб бериб, бу муаммо ижобий ҳал этилиши, бунда туман ҳокимлиги ва партия ташкилоти амалий кўмак беришини таъкидлади.

— Маҳалламиз асосий кўчасидаги йўл ёзда чанг, қишда лой ҳолатда бўлади, — деди "Ғайрат" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи уй бекаси Дилором Абдиева. — Бу йўлдан болаларимиз, айниқса, қишда мактабга қатнашида қийинчилик туғилади. Мазкур масаланинг ижобий ҳал этилишида амалий ёрдам берилишини маҳалламиз номидан сўрайман.

Ушбу муаммо туман ҳокими ва мутасадди ташкилотлар томонидан ижобий ҳал этилишига ваъда берилди.

Очиқ мулоқот давомида "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Машкура Холматованинг уй-жой, Тараққиёт маҳалласида яшовчи Гулчеҳра Қурбонованинг соғлиғини тиклаш учун дори-дармондан ёрдам сўраб қилган мурожаатлари ЎзМТДП Тошкент вилоят ташкилоти назоратига олинди.

Мурожаатларнинг аксарияти аҳолининг бандлик масаласи бўйича бўлгани боис тумандаги бўш ишлар ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Уюшмаган ёшларнинг ишга жойлашиши учун ҳуқуқий тавсиялар берилди.

Сайёр қабул доирасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Тошкент вилояти ҳудудий филиали туман аҳолиси учун бепул тиббий кўрик ташкил этди.

— Бугунги бепул тиббий кўрикда мутахассисларимиз аҳолига тегишли кўрсатма ва маслаҳат бериб, 130 га яқин фуқарони тиббий текширувдан ўтказди, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Тошкент вилояти ҳудудий филиали директори Муҳаббат Йўлдошева. — Эҳтиёжманд оилаларга 10 турдан кўп дори-дармонни бепул тарқатдик. Мақсадимиз аҳоли саломатлигини таъминлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир.

Шунингдек, тадбир доирасида ёш уста-ҳунармандларнинг миллий либослар, миллий ҳунармандчилик, миллий қўғирчоқлар ҳамда тасвирий ва амалий санъат намуналари кўргазмаси намойиш қилинди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбир якунида бир гуруҳ ёшлар партия аъзолигига қабул қилиниб, уларга таниқли адибларнинг китоблари тақдим этилди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат сўрови — халқ сўрови

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

АЙРИМ ДЕПУТАТЛАРНИНГ СЎРОВИ ҲАМОН ЖАВОБСИЗ ҚОЛМОҚДА

Депутатлик сўрови — халқ вакилининг муайян масала-муаммога тегишли мутасаддининг эътиборини қаратиш ва уларни ижобий ҳал қилишга кўмаклашадиган жараён. Бунда депутат жойларда ўз ечимини кутаётган, одамларни ўйлантираётган турли масалаларни бартараф этади. Аммо шу ўринда қарс икки қўлдан чиқишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим...

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, шу йилнинг биринчи ярмида ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ҳамда фуқаролар мурожаатлари юзасидан жами 3 минг 134 та депутатлик сўровини амалга оширган. Ушбу сўровлар асосида қатор масалаларга ечим топилган, одамларнинг мушкули осон қилинди. Аммо депутатларимиз саъй-ҳаракатларининг барчаси ҳам самарали якун топяпти, дейиш қийин. Чунки айрим ташкилот ва корхоналар раҳбарлари, мутасадди вакиллар депутатларнинг сўровларига беписанд ёндашиб, уларда кўтарилган муаммолар ечимига масъулиятсиз қараётган ҳолатлар мавжуд.

Бундай ҳолатни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин. Гуруҳ аъзолари жорий йилнинг шу даврига қадар турли ташкилотларга 60 га яқин депутатлик сўровини амалга оширди. Бироқ афсуски уларнинг аксарияти жавобсиз қолган, мурожаатлар тақдирига масъул шахслар мавжуд муаммоларга бепарво ва лоқайд қараган. Ҳатто айрим депутатлар бир масала юзасидан қайта-қайта сўров юбориб ҳам жавоб ололмаган, депутат саъй-ҳаракати муаллақ, ёзгани қоғозда қолиб кетган.

Масалан, партия гуруҳи аъзоси Турғун Азларов Тошкент шаҳар ҳокимига Шайхонтоҳур туманидаги Камолон, Янги Камолон, Эшонгузар ва Каттабоғ маҳаллалари аҳолисининг мурожаатларига асосан, ҳудудда коммунал тўловларни амалга ошириш учун банк шохобчасини ташкил этиш бўйича депутатлик сўрови юборди. 2017 йилнинг 4 март санасида юборилган биринчи сўров жавобсиз қолди. Биринчи сўров дейишимизнинг боиси депутат ундан кейин яна икки марта қайта сўров юборди. Аммо халқ вакилининг мурожаатида акс этган масалага на "ҳа", на "йўқ" деган жавоб келди. Ахир кўтарилган масала, энг аввало, аҳоли мурожаатини ижобий ҳал қилиш, уларга қулайлик яратишга қаратилган-ку! Ёки масалани фуқаролар фойдасига ҳал қила олмасликнинг қандайдир сабаблари бўлса, ҳечқурса, асосли тушунтиришлар билан жавоб қайтарилиши керак эмасми?

ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Равшан Сайидаҳмедовнинг аҳоли билан мулоқотлари чоғида фуқаро Р.Давлатова уй-жойга муҳтож эканлиги, 20 йилдан буён ижарада яшаб келаётгани, давлат томонидан ажратилган уйларга навбати етиб келмагани боис турар-жой билан таъминланмай қолганини билдирди. Депутат 23 март куни Яшнобод туман ҳокимига мазкур масалани ўрганиб чиқиб, фуқарога белгиланган тартибда амалий ёрдам бериш бўйича депутатлик сўрови юборди. Аммо ушбу сўровга ҳам ҳалигача жавоб келмади.

ЎзМТДП гуруҳининг яна бир аъзоси Юнус Каримов Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғига Учтепа туманида ишсизлар сонини қамайтириш ва ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида туманда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш бўйича юборган депутатлик сўрови ҳам қоғозда қолиб кетди. Шу йилнинг 29 март санасида йўлланган сўровга ҳанузгача жавоб қайтарилгани йўқ.

Депутат давлат ва халқ ўртасидаги кўприкдир. Халқ вакилларининг турли соҳа ва йўналишларга оид бу каби сўровлари, биринчи навбатда, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ечиш, ҳудудлар ривожи билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган. Аммо айрим мутасадди мансабдорлар аслида ўзи масъул бўлган ёхуд ўз фаолияти доирасидаги масала-муаммоларга эътибор қаратиб, уларга ечим топишга масъулиятсиз ёндашаётгани депутатларнинг фуқаролар мурожаатларини ҳал қилишдаги ҳаракатлари бесамар қолишига сабаб бўлмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбари парламент аъзолари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган учрашувда депутатга беписандлик — халққа беписандлик деб баҳоланиши шартлигини, халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўсқинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавоб беришини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, депутатни халқ ўзига вакил қилиб сайлаган, бинобарин, мансабдорлар унинг сўровига халқ сўрови деб қараши, қонунчиликда белгиланганидек, ўн кун ичида жавоб қайтариши зарур. Дарвоқе, қарс икки қўлдан чиқишини унутмаслик лозим. Бугунги давр эса эскича тартибда ишлаш мутлақо мумкин эмаслигини кўрсатмоқда.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳамкорлик

БИТИМ ТУЗИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шуҳрат Сирожиддинов билан учрашди.

Учрашувда мустақиллик йилларида она тилимиз ривожи йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, айни пайтда ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб масалалар, адабий тилни бойитиш ва такомиллаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, ҳозирги тезкор глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш зарур.

Учрашувда давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштириш, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб боришда партия ва университет ҳамкорлигини йўлга қўйиш масаласи атрофлича муҳокама этилди. Ушбу вазифаларни биргаликда амалга ошириш мақсадида ҳамкорлик битимини тузишга келишиб олинди.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бугун дунёда 6 минг 909 тил мавжуд бўлиб, улардан атиги 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Улар қаторида она тилимиз — ўзбек тилининг борлиги ҳар биримизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдиради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштириш, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб бориш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур ҳамкорлик партия дастурий мақсад-вазифалари ижросида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

ЎзМТДП Марказий кенгаши
Ахборот хизмати

Депутат аралашгач

ОДАМЛАР ШУНЧАКИ МУРОЖААТ ЮБОРМАЙДИ

ёхуд депутат фаолияти амалий иш билан ўлчанади

...2016 йилнинг апрель ойи. Баҳор эртароқ келиб, гилослар гарқ пишган. 11 ёшли Акбархўжа катта йўл ёқасидаги гилос дарахтига чиқди-ю кутилмаганда оёғи сирпаниб ерга йиқилди.

Боши билан асфальтга тушган Акбархўжа оғир аҳволда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида 10 кун кома ҳолатида ётди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан унинг ҳаёти сақлаб қолинди, аммо бироз молиявий қийналиброқ турган оила уни даволатиш, бошининг қаттиқ шикастланган қисмига чет элдан келтириладиган "титан пластина" мосламасини ўрнатиш каби жиддий харажатларга рўбарў келди. Ўзи маҳалла ташкилотида котиба, турмуш ўртоғи мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Зарифа опани ўғлининг муолажалари, дори-дармонлари учун кетаётган харажатлар хийла қийнаб қўйди. Ёрдам сўраб бир неча хайрия ташкилотига қилган мурожаатлари

арзимас пуллар ажратилиши билан якун топди.

Вақт ўтиб борар, жароҳатланган бошни ўз вақтида ҳимоялаш зарур эди. Чунки эҳтиётсизлик ёки бирор кўнгилсиз воқеа шундоқ ҳам оғир аҳволда бўлган Акбархўжанинг соғлиғига жиддий хавф солиши мумкин эди. Она ўйлай-ўйлай, охири ЎзМТДП Марказий кенгашига мурожаат қилишга қарор қилди. Партия Марказий кенгаши ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари саъй-ҳаракати хайрли якун топди...

Дарҳақиқат, шу йилдан бошлаб Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан йўлга қўйилган тизим — парламент ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг аҳоли билан доимий мулоқоти бугун кўплаб юртдошларимиз муаммоларига ечим топишда муҳим омил бўлмоқда. Аҳолининг нафақат давлат органлари, балки ўзи ишониб сайлаган вакилидан ҳам турли масалаларда кўмак сўраши, мурожаат қилиши оддий ҳолга айланиб бораётир. Мурожаатларнинг аксарияти ижобий ечим топаётгани, сайловчилар кўплаб долзарб муаммоларини депутатларнинг аралашуви билан ҳал этаётгани мазкур тизимнинг нақадар тўғри ва самарали эканини кўрсатмоқда, депутатга бўлган ишончни мустаҳкамламоқда.

Буни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Отабек Жиянбоев фаолияти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Масалан, у шу йилнинг ўтган даврида турли ташкилотларга аҳоли мурожаатлари асосида 10дан ортиқ депутатлик сўрови юборди ва уларнинг аксарияти ижобий ечим топди. Будар орасида Акбархўжанинг жарроҳлик йўли билан олиб ташланган бош суяги ўрнига "титан пластина" мосламаси ўрнатишда амалий кўмак сўраб, Республика илмий-нейрохирургия маркази директорига йўлланган сўров ҳам бор эди.

— Халкимизда "соғлиқ — туман бойлик", деган нақл бежиз айтилмаганини шу ташвишлар бошимга тушганидан сўнг янада теранроқ англаб етдим, — дейди Зарифа Қўшшаева. — Кечагина кўз олдингда чопқиллаб ўйнаб юрган фарзандинг бугун бир аҳволда ёрдамга муҳтож бўлганда нима қилишингни, кимга суянишингни ҳам билмай қолар экансан. Ҳар бир она ўз боласига керак бўлса жонини беришга ҳам тайёр бўлади, аммо ўғлимга менинг жоним эмас, чет элда ишлаб чиқариладиган "титан пластина" мосламаси керак эди. Яшириб нима қилдим — ойлик маош билан кун кўрадиган оиламиз бу харажатларни кўтара олмасди. Оммавий ахборот воситалари орқали депутатлар аҳолига ёрдам бераётганини кўриб, ўқиб кўнглимда умид уйғонди. "Балки озроқ маблағ бўлса-да ёрдам бўлар", деган илинж билан ЎзМТДП Марказий кенгашига мурожаат қилдим. Мурожаатим эътиборга олингани, бу борада амалий ҳаракатлар бошланганини эшитиб, бутун оиламизнинг боши кўкка етди...

Акбархўжа шу йилнинг 17 август куни Республика илмий нейрохирургия марказида муваффақиятли операция қилинди. Шифокорларнинг айтишича, энди йигитчанинг ҳаёти хавфдан буткул йироқ. Фақат айрим кичик муолажа ва маълум муддат талаб қилинади, холос.

— Аҳолининг турли мазмундаги мурожаатларига дуч келганимизда, уни имкони борича ижобий ҳал этишга интиламиз, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Отабек Жиянбоев. — Чунки ҳеч ким депутатга шунчаки мурожаат юбормайди, унинг ортида инсон манфаати, Акбархўжага ўхшаган фарзандларимиз тақдири турибди. Биз ушбу муаммони ҳомийлик маблағи асосида ҳал этдик, аммо бундай кўнгилсиз ҳолатлар ҳаётда тез-тез учраб туради, чет элдан келтириладиган мосламаларни харид қилишга эса ҳамманинг ҳам қурби етавермайди. Одатда туғма нуқсонли болалар учун ҳам хорижда ишлаб чиқариладиган турли мосламалар жуда кўп керак бўлади. Шунинг учун ушбу муаммога ечим топишнинг самарали тизимини йўлга қўйишимиз, келгуси йилги Давлат бюджети тақсимотида ана шундай мосламаларни кўпроқ харид қилиш учун маблағ ажратиш масаласини кун тартибига киритишимиз лозим. Бизнингча ана шундай йўл тутсак, масалага бир марталик эмас, бир умрлик ечим топган бўламиз.

А. МЕНГЛИМУРОДОВ,
С. МУЛЛАЖОНОВ
(сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Халқ розилиги йўлида

УЙМА-УЙ ЎРГАНИШЛАР

ОДАМЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

Ҳар қандай сиёсий партия давр билан ҳамнафас бўлиб, унинг талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар ва уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди "мудраб ётган" сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Президентимизнинг "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак" маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини тубдан ўзгартирмоқда. Айни шу мақсадда яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуродов бошчилигидаги партия вакиллари Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида бўлди. Аҳоли хонадонларида фуқаролар, тадбиркорлар ва уюшмаган ёшлар билан ўтказилган мулоқотлар натижасида вилоятимизда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Бундан хулоса чиқарган ЎзМТДП Наманган шаҳар партия ташкилоти масъул ходимлари ва фаоллари, депутатлар ҳам ўз фаолиятига танқидий-таҳлилий ёндашган ҳолда иш олиб бормоқда. Биринчи навбатда уйма-уй ўтказилаётган мулоқотларда билдирилаётган мурожаатларга ечим топишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Абдулаҳад Бойхоновнинг мурожаати ижобий ҳал этилди. "11-Маданий" сайлов округидан халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайланган депутат Носиржон Дадамирзаевнинг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига юборган депутатлик сўровидан кейин қисқа фурсат ичида фуқарога ногиронлик аравачаси топширилди.

Чуст туманидаги Ҳисорак маҳалласида маҳаллий ҳокимлик, ЎзМТДП туман кенгаши, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида аҳоли хонадонларида ишсиз фуқаролар, хусусан, уюшмаган ёшлар, диний оқимларга адашиб кириб қолганлар билан ўтказилаётган суҳбатлар бесамар кетмаяпти. Соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ҳудудда яшовчи 17 фуқаро диний экстремизм оқимига мойиллиги борлар рўйхатидан чиқарилиб, жамиятнинг фаол аъзолари сафига қўшилди.

— Парламент вакилларининг бизни йўқлаб келганидан бошим осмонга етди, — дейди Ҳисорак маҳалласи фуқароси Носиржон Рустамов. — Ҳом сут эмган бандамиз-да: бир пайтлар диний оқимлар таъсирига тушиб қолган эдим. Хатоимни тўла англаб етиб, кечирим сўрадим. Президентимизнинг авф этганидан мамнунман. Ҳозирда фарзанд ва набираларим қуршовида тўкис ҳаёт кечиряпман. Бўш вақтим йўқ ҳисоби: томорқамда деҳқончилик қиламан, қўни-қўшниларнинг велосипедларини таъмирлайман. Энг муҳими, бугун маҳалладошлар ва қуда-андаларим олдида юзим ёруғ. Ҳақиқатан, озод ва обод Ватанда ҳалол меҳнат, фидойилик билан яшаш, одамларга наф келтириб, уларнинг ишончига сазовор бўлишга ҳеч нарса етмайди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш масаласида партия фаоллари алоҳида жонбозлик кўрсатаётгани эътиборга молик. Буни халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Фазлиддин Муҳиддиновнинг иш фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Яқинда депутатнинг ташаббуси билан Машад қишлоғидаги аҳоли хонадонларида уюшмаган ёшлар қатлами билан суҳбатлар ўтказилди. 26 ёшли Музаффар Отабоевнинг хонадонида бўлиб ўтган мулоқотда бандлик билан боғлиқ яна бир муаммо ечилди. Бундан олти йил илгари иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тугатган Музаффарнинг қувончи чексиз. Боиси, у мулоқот ўтган куннинг ўзидаёқ хусусий тикув цехига ишга қабул қилинди.

Косонсой туманидаги Ширинбулоқ маҳалласидаги ўнга яқин уюшмаган ёшлар билан учрашган туман партия ташкилоти фаоллари ва халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Мансурхон Холдоров мулоқот жараёнида ёшларнинг бир қатор ўринли таклифларини эътиборга олди. Масалан, Косонсой педагогика коллежини тугатган 21 ёшли Иброҳим Тожихўжаев ўз ҳудудида бўш турган жойда белбоғли кураш тўгарагини ташкил этмоқчи. Унга спорт секциясини очишда керак бўладиган лицензия олиш учун тўланадиган маълум миқдордаги маблағ зарур эди. Бу борада депутат томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Насиб этса, тез орада ширинбулоқлик ёшлар спорт билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади. Бу билан ЎзМТДП сайловолди Платформасидаги ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилишдек устувор вазифалар ижроси ҳам таъминланади.

— 2015 йили туманимиздаги тиббиёт коллежини тамомлаб, икки йилдан бери ишга жойлашиш борасида қийинчиликларга дуч келаётган эдим, — дейди Чуст тумани Пансада маҳалласида яшовчи Ҳилола Аюбова. — Парламент аъзоларининг ҳудудимизга келгани мен учун айни муддао бўлди. "Миллий тикланиш" демократик партиясининг раиси билан бўлган суҳбат жараёнида ўз дардимни очиқ-ойдин тўкиб солдим. Қувонарлиси, муаммо ўз жойида ижобий ҳал этилди. Бугунги кунда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохонада ҳамшира бўлиб ишлаяпман.

Сардор СОЛИЕВ,
Чуст шаҳри, Дўстлик маҳалласи:

— Яқинда касб-ҳунар коллежини тугатдим. Тадбиркор бўлиш, шу орқали элимизга наф келтиришдек эзгу мақсадга ахд қилганман. Лекин ниятим ўз-ўзидан амалга ошиб қолмаслигини парламент ва партия вакиллари билан мулоқот жараёнида англадим. Эшик-ром ишлаб чиқариш цехини қуриш учун 35 миллион сўм кредит олишга амалий ёрдам билан мурожаат этганимда, партия вакиллари масала ижобий ҳал этилиши асосида жўяли ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам берди.

Тадбиркорликда хатога йўлга чиқиш учун, энг аввало, бизнес режа пухта ишлаб чиқилиши, соҳа равожи йўлида амалга оширилаётган ўзгаришлардан воқиф бўлиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, банк муассасасининг молиявий кўмагидан фойдаланиш масаласи бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ғ.Ҳамидилла билан депутатлик сўрови юборилишини эшитиб, хурсанд бўлдим.

Бир сўз билан айтганда, "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари ва депутатлари аҳолини ўйлантираётган муаммо-масалалар, истиқболли таклифларни ўрганиш, уларга ечим топиш, аҳоли билан ишлаш борасидаги фаолиятни янги босқичга олиб чиқиш ҳаракатида. Бироқ бу борада қилинган ишлар ҳали етарли даражада эмас. Шу боис жойларда жамоатчилик ва депутатлик назоратини янада кучайтириш талаб этилади. Зеро, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишга кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифадир.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши матбуот котиби

Танқиддан сўнг...

БАЛАНДПАРВОЗ ГАПЛАРНИНГ ВАҚТИ ЎТДИ

Халқимизда "бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар" деган нақл бор. Бу нақл ёши улуғлардан тортиб, навқирон йигит-қизлар ҳаётий тутумлари, ўқиш ва иш фаолиятига ҳам хос эканига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Азалдан халқимиз бирор иш-юмушни ёши улуғлар, маҳалла фаоллари билан кенгашган ҳолда амалга оширган бўлса, ёшлар ўз режалари билан ота-онаси, кекса нуроний лар, ёру дўстлари билан ўртоқлашган. Кенгашиб, бирлашиб қилинган иш натижаси эса доим самарали бўлиши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Бу бугунги давр ибораси билан айтганда ижтимоий ҳамкорликнинг ҳаётий кўринишидир.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишида бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда, деб алоҳида таъкидлади. Айниқса, унда сиёсий партиялар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ, амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши кераклиги ҳақида айтилган танқидий таҳлилий фикрлар сиёсий партия вакилларини уйғокликка чорлагани аниқ.

Шу ўринда савол туғилади: қарийб бир ярим ой муддат ўтиб сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ушбу дастуриламал маърузадан қандай хулосалар чиқарди? Президентимиз қўйган талаб ва вазифалар партиянинг бугунги фаолиятида кўзга ташланяптими?

Яқинда бўлиб ўтган ЎзМТДП Марказий кенгашининг навбатдаги Пленумида асосий эътибор Президентимизнинг видеоселектор йиғилишидаги "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак" номли маърузасидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар, уларни амалга ошириш механизмларига қаратилган эди. Бу борада партиянинг чора-тадбирлар дастури ҳам қабул қилинди.

Дастурда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ғоявий ва мафкуравий дастурларини такомиллаштириш, мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотларга партия позициясини билдириш ва уни кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлаш чоралари кўзда тутилган. Партия фракцияси ва гуруҳларининг ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш юзасидан янги тизим яратиш белгиланган. Шунингдек, Дастурдан партиянинг аҳоли билан мулоқотини, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш вазифаси ҳам ўрин олган.

Мазкур чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш бугун ЎзМТДП барча даражадаги ташкилотларининг асосий вазифасига айланган. Партия ташкилотлари электорат манфаатлари ҳимояси, аҳоли муаммолари ечимига қаратилган янги ташаббусларни ишлаб чиқиб, уларнинг аксариятини ҳаётга татбиқ этишга киришмоқда.

Хусусан, ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашининг янги ташаббуси уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг қизиқиш ва муаммоларини ўрганишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қатор ҳамкор ташкилотлар — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, туман ҳокимликлари ҳамда туман ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳанинг биринчиси Хўжаобод туманида ташкил этилди. Шунингдек, лойиҳа Жалақудуқ, Хонобод, Қўрғонтепа туманларида ҳам ёшлар ва уларнинг ота-оналари фаоллиги остида ўтди.

Лойиҳа доирасида уюшмаган ёшлар, уларнинг ота-оналари, вақтинча ишсиз аҳоли билан суҳбатлар ўтказилиб, ҳудудда мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар берилмоқда. Бу уларнинг иш билан таъминланишига ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

— Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга ошираётган ишларимиз аҳолининг қайсидир қисмини мамнун қилаётгани бизни бу ташаббусни янада кенгроқ қўламда давом эттиришга ундайди, — дейди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони мутахассиси А. Узоқжонов. — Аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиб, уларнинг қизиқишлари, муаммоларини ўрганиш ва ечим топишга кўмаклашиш асосида партия ғоялари ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг партиямизга бўлган ишончи ортиб боришига ҳам сабаб бўлади.

— Анчадан буён ишсиз юрган эдим, — дейди Хўжаобод туманидаги "Шаҳрихонсой" МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Муҳаммадисмоил Ёқубжонов. — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси кўмаги билан "Хўжаобод пахта тозалаш" АК заводига ишга жойлашдим. Партия фаолларининг маҳалламизга келиб, биз билан бевосита мулоқот ўтказиши, мен каби кўплаб кишиларнинг муаммоси ҳал бўлишига ёрдам бермоқда. Бу эътибордан нафақат мен, балки оила аъзоларим ҳам хурсанд.

Ҳудудда Муҳаммадисмоил каби ишсиз юрган ёки иш масаласида муаммоларга дуч келаётган ёшлар аниқланиб, уларга амалий кўмак кўрсатилди. Жумладан, "Карнайчи" МФЙ фуқароси Муҳаммадсоҳиб Рўзиев маҳаласида ёшларни спортнинг бокс тури билан шуғуллантиришни истар, аммо бунинг учун шароит йўқ эди. Унинг бу мурожаати маҳалла фаоллари билан муҳокама қилинди. Унга Хўжаобод қишлоқ-хўжалик касб-ҳунар коллежининг спорт зали ажратиладиган, спорт жиҳозлари билан таъминланадиган бўлди.

Партиянинг бу ташаббуси Хонобод туманида ҳам қўллаб-қувватланди. Лойиҳа доирасида "Мустақиллик" МФЙда яшовчи Сайёра Раҳимова, "Фитрат" МФЙ фуқароси Дилфуза Акромова ҳамда Одина Жалилова, "Истиқлол" МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Гулмира Юсупова тумандаги тикувчилик корхоналари, давлат муассасаларида мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштирилди.

— Ҳудудда тинчлик, осойишталик билан бир қаторда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳам заммамиздаги масъулиятли вазифалардан ҳисобланади, — дейди Қўрғонтепа тумани "Янгиқўрғон" МФЙ профилактика инспектори О.Жамбилов. — Айни пайтда уюшмаган ёшлар, вақтинча ишсизлар билан доимий иш олиб боришга, улар бандлигини таъминлаш, фойдали меҳнат фаолиятига жалб қилишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки ҳамма нарса бекорчиликдан келиб чиқади. Қайси жойда одамлар иш билан машғул бўлса, ўша ҳудудда тинчлик ва осойишталик бўлади. ЎзМТДП амалга ошираётган ташаббус уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш, диний оқимга кириб қолган ёшларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиш орқали уларнинг муаммоларини ҳал қилиш билан бир қаторда маҳалламиз осойишталигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Бундай амалий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик қилишга доимо тайёрмиз.

Қўрғонтепа туманида ўтказилган аҳоли билан мулоқотлар доирасида ҳам ёшлар партия дастурий мақсад-вазифалари билан таништирилди, аксарият ишсизлар ишга жойлаштирилди, ҳудуддаги мавжуд муаммоларга ечим топилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Президентимизнинг дастуриламал маърузасидан сўнг ўз ишига танқидий назар билан қараб, камчиликларни тузатишга, бугунги замон талаблари асосида иш юритишга бел боғлаган партия ташкилотлари аллақачон амалий ташаббусларни бошлаб юборди. Аммо, ҳали партия чора-тадбирлар дастурида белгиланган ва ечими аниқ кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга шошилмаётган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Уларга бу билан "уйғониш бонги" аллақачон чалинганини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

Шохида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
35 (467) 2017 йил 27 август, якшанба

РЕКЛАМА

"ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ" УНИТАР КОРХОНАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАҲАР ВА ТУМАНГАЗ ФИЛИАЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ВА УРГАНЧ ШАҲАРГАЗ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

билан чин дилдан муборакбод этади.

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган

"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ – 2017"

МИЛЛИЙ МУСИҚА АНЪАНАЛАРИ — ОЛИМЛАР НИГОҲИДА

XI INTERNATIONAL MUSIC FESTIVAL SHARQ TARONALARI XALQARO MUSIQA FESTIVALI
25-30.08.2017, SAMARQAND

Самарқандда "Шарқ тароналари" ўн биринчи халқаро мусиқа фестивали доирасида "Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусида халқаро илмий-назарий конференция бошланди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев, Самарқанд шаҳар ҳокими Ф.Раҳимов, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Р.Абдуллаев ва бошқалар бу йил ўн биринчи марта ўтказилаётган мазкур фестиваль дунё халқлари миллий мусиқа санъати тарихини, анъаналарини, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Тадбир доирасидаги халқаро илмий-амалий конференциялар эса бу борада санъатшунос олимларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишига хизмат қилмоқда.

Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этишга бағишланган бу галги анжуманда Афғонистон, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам, Германия, Грузия, Италия, Индонезия, Канада, Корея Республикаси, Латвия, Литва, Тожикистон, Украина, Эрон, Япония, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан таниқли мусиқашунос ва тарихчи олимлар, санъаткорлар ўз маърузалари билан қатнашмоқда. Конференция дастуридан юртимиз олим ва тадқиқотчиларининг мавзу юзасидан чиқиши ва тақдимотлари ҳам ўрин олган.

— Фестиваль доирасида Шарқ халқлари мусиқа маданияти тарихи, анъаналари бўйича илмий анжуманлар ўтказиш яхши анъанага айланди, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқий шарқшунослик кафедраси мудири С.Бегматов. — Бу орқали нафақат юртимиз олимлари, балки хорижлик мутахассислар ўз илмий-тадқиқот ишлари ҳақида маълумот бериб, ўзаро фикр алмашмоқда, янги ғоя ва ташаббусларни ўртага ташламоқда. Бу йилги илмий анжуман Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарга бағишланди. Чунки бугунги глобаллашув даврида миллий мусиқа, қўшиқчилик анъаналарини асраб-авайлаш, давом эттириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу йўналишда мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилаётир, лекин бу борада бошқа давлатларнинг тажрибаси, улар қандай тадқиқот ишлари олиб боряпти — икки кунлик анжуманда ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Конференциянинг "Тарих ва мерос" деб номланган биринчи мажлисида хорижлик олимларнинг Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг ўзаро боғлиқлиги, Ўзбекистон мусиқа мероси: миллий анъаналарнинг сақланиши ва уларнинг ривожи, Эронда Наврўз анъаналари ва уларнинг бугунги кўриниши, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларда мусиқанинг аҳамияти, афғон анъанавий мусиқалари, Олтой ва Жанубий Сибир халқлари санъати, форс ва араб мусиқаси каби мавзуларда маърузалар тингланди.

— "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ва илмий анжуманда қатнашиш мен учун катта шараф, — дейди таиландлик мусиқашунос олим Анант Наркконг. — Чунки ушбу тадбир бугунги кунда жаҳон миқёсидаги нуфузли санъат форуми ҳисобланади. Илмий конференцияда менга нафақат Таиланд халқи, шу билан бирга Сингапур, Индонезия, Малайзия халқлари мусиқа маданиятига оид қадимий қўшиқчилик анъаналари юзасидан тақдимот ўтказиш учун имконият берилганидан хурсандман. Мазкур йўналишда олимларимиз томонидан кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва маълум бир натижаларга эришилди ҳам. Биз келгусида ушбу анъаналаримиз билан "Шарқ тароналари" фестивалида иштирок этиш ниятидамиз.

Халқаро анжуман давомида бир қатор давлатлар мусиқачи ва санъатшунос олимлари томонидан тақдимотлар, маҳорат сабоқлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"Асака" банк

яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"МУСТАҚИЛЛИК-2017"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 5 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 26 ҳамда хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.
"Асака" банк филиаллари телефонлари:

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиарик филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Ахмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 816, Адади — 5302. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РЎЗИЕВА
Навбатчи: Усмон АБДУРАСУЛОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.40.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56